

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ОРҚАЛИ ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Матякубова Юлдузхон Бахромовна

**Хоразм вилояти Инвестициялар, саноат ва савдо бошқармаси бош мутахассиси
(магистр)**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10656424>

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланаётганлиги ҳамда бутун жаҳон миқёсида рақобатбардош давлатлардан бирига айланаётганлиги мамлакат, минтақа ва ундаги иқтисодиёт тармоқлари, қолаверса, алоҳида корхоналарнинг инвестицион жозибадорлигини оширишга қаратилган олиб борилаётган инвестиция сиёсати билан узвий боғлиқдир. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, давлатнинг инвестицион сиёсати, мамлакат иқтисодиётининг устувор тармоқларини ривожлантириш ва марказлашган инвестиция жараёнидан номарказлашган инвестиция жараёнларига ўтиш учун амалга ошириладиган чоратadbирлар йиғиндисини ўзида мужассам этади. Бу эса, ўз навбатида турли хил инвестицияларни жалб қилишда муҳим ўрин тутадиган инвесторлар учун мамлакатнинг қулай инвестицион муҳитини шакллантиришнинг асоси бўлган инвестицион жозибадорликни оширишга қаратилган ислохотларни назарда тутди.

Жумладан, Хоразм вилоятининг инвестицияларни ўзлаштириш бўйича кўрсаткичлари қуйидагича: “ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 1,5 трлн.сўмни ташкил қилиб, аҳоли жон бошига 0,8 млн.сўмни ташкил қилади. Шундан, 90,4 млрд.сўм хорижий инвестицияларни ўзлаштирилган.

Экспорт ҳажми 95,6 млн.долларни, экспортчи корхоналар сони 86 тани ташкил қилган. Шундан, Урганч (4,6 млн. долл.), Қўшқўпир туманларида (6,6 млн. долл.) ҳудудларни ўртача экспорт қийматидан паст кўрсаткичларни ташкил қилган.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,8 трлн.сўмни ташкил қилиб, ўсиш суръати 93,1 фоизни, аҳоли жон бошига 1,5 млн.сўмни ташкил қилган.

Аҳоли жон бошига ўзлаштирилган инвестициялар 2017 йилдаги 0,8 млн.сўмдан 4,5 млн.сўмга етказилди.

Шундан, 2022 йилда 8,8 трлн.сўм инвестициялар жалб қилинган ёки 2016 йилга нисбатан 4 баробарга ўсишга эришилган.

Ўтган олти йил давомида қарийб 1 млрд. долларга тенг бўлган хорижий инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, шундан 2022 йилда 189,9 млн. долларга ёки 2016 йилга нисбатан 6,2 баробарга ортган.

2016 йилда вилоятда фақатгина 3 та ҳудудда (Урганч шаҳри, Ҳазорасп ва Шовот туманлари) хорижий инвестициялар ўзлаштирилган бўлса, бугунги кунга келиб барча шаҳарлар ва туманларда хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши йўлга қўйилган.

Тўғридан-тўғри хорижий сармоя киритган ҳамкор давлатлар сони 7 тадан 24 тага етказилди. Ўзлаштирилган инвестицияларнинг асосий улуши Хитой, Россия, Германия, Туркия давлатлари ҳиссасига тўғри келади.

Саноат соҳасида вилоятда қиймати 7,7 трлн.сўмлик 2 минг 66 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилган бўлиб, 27,3 мингта янги иш ўринлари яратилганлиги,

ўтган олти йил ичида кескин ижобий бурилишлар амалга оширилганлигига яққол мисол бўлади.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, ялпи ҳудудий маҳсулотдаги саноатнинг улуши 2017 йилги 11 фоиздан 2022 йилга келиб 14,5 фоизга етган, ва ўсиш 3,5 фоизни ташкил этган.

Айниқса, вилоятнинг “драйвер” соҳалари бўлган тўқимачилик, автомобильсозлик, озиқ-овқат, қурилиш материаллари, электротехника саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ўртача 3,1 баробарга ўсди.

Маҳаллийлаштириш орқали ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 2,5 фоизга етказилиб, 180,0 млн.доллар импорт маблағлари тежалишига эришилди ва ушбу йўналишда 242 та хўжалик ташкил қилинди.”¹

Мамлакатда ташқи йирик инвесторлар учун унинг инвестицион муҳитини яхшилаш, жозибadorлигини оширишда ахборотлар очиқлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Ташқи инвесторларни жалб қилиш мақсадида ахборотлар очиқлигини таъминлашнинг усулларида бири эса мамлакатнинг дунё бўйича ўтказиладиган мустақил эксперт институтлар ва ташкилотлар томонидан уюштириладиган инвестицион ва кредит рейтингларидаги иштирокидир.

Ўзбекистоннинг инвестицион барқарорлиги йилдан йилга ўсиб бораётган бўлса-да, иқтисодийётга йирик ҳажмдаги инвестициялар кириб келишига унинг географик жойлашуви ҳам сезиларли даражада таъсирини ўтказди. Буни иқтисодийётга йирик миқдордаги инвестицияларнинг кам миқдорда кириб келаётганлигида ҳам кўришимиз мумкин. Бунинг сабаби эса Ўзбекистоннинг денгиз савдо ёълларига тўғридан-тўғри чиқа олмаслиги, телекоммуникациянинг паст даражаси, миллий валютанинг нобарқарорлиги, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг такомиллашмаганлиги, хусусан, фойдали қазилмалардан фойдаланиш бўйича қонун ҳужжатларининг ишлаб чиқилмаганлиги, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланмаганлигидир.

Хорижий инвестицияларнинг кириб келишини давлат томонидан рағбатлантиришнинг аҳамиятини қуйидагиларда ҳам кўриш мумкин: инвестицион муҳит устунликларидан фойдаланиш, вужудга келадиган рискларни тақсимлаш орқали кутилаётган зарарни пасайтириш, тажриба алмашиш доирасида бошқарувнинг янги усулларини ўрганиш ва уларни амалда қўллаш, ички бозорни ривожлантириб хорижий бозорларга чиқишни жадаллаштириш ва ўз ўрнига эга бўлиш, харажатларни камайтириш, яъни хорижий инвестициянинг иштирокидан фойдаланган ҳолда имтиёзларга эга бўлиш, сиёсий кескинликларни юмшатиш, олдини олиш, мамлакатда самарали рақобатни вужудга келтириш, замонавий техника-технологиялар билан таъминланиш, хомашё базасига эга бўлиш ва қайта ишлашни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилинишида.

Вилоятда инвестициявий жозибadorликни ошириш мақсадида бир қатор ишларни амалга ошириш зарур. Жумладан:

Хоразм вилоятида минерал хомашё ресурслари чекланганлигини инобатга олган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Навоий вилоятларида жойлашган гранит, мрамор, оҳактош, вермикулит, гипс, кварц қуми, туз конлари, каолин хомашёси

¹ horazmstat.uz - Хоразм вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

ва бошқа руда ҳамда норуда ресурслар захираларига ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг талаби асосида қурилиш материаллари кластерлари ҳамда ҳамкорликдаги корхоналарни ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикасининг тажрибаси асосида худудларда саноат йўналишида охириги 3 йилда ишга тушган ва муваффақиятли фаолият юритаётган йирик лойиҳалар ташаббускорлари билан биргаликда ушбу лойиҳаларни Хоразм вилоятида ҳамкорликда амалга ошириш шулар жумласидандир.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (Янги таҳрири). 2014-йил 9-декабр.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги № ПФ-4947 сонли Фармони 2017-йил 8-феврал.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.
4. Swiss RE Institute, Sigma No.3/2017, World insurance in 2016: the China growth engine steams ahead.
5. Шапкин А.С. «Роль фьючерсов и опционов в управлении инвестициями”/”Страховое дело”/июль,2003г.
6. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги).
7. <http://www.xorazmstat.uz> (Хоразм вилояти статистика бошқармаси).